

PROMENG

Education and Culture

TEMPUS

PROMENG: Practice oriented Master Programmes in Engineering in Ru, UA and UZ
Россия, Украина ва Ўзбекистонда муҳандислик соҳасида амалиётга
йўналтирилган дастурлар

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 2010 йилда бир қатор олий таълим муассасалари билан биргаликда танлов асосида TEMPUS дастури бўйича PROMENG лойиҳасини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритди. Лойиҳа 2010-2013 йилларга мўлжалланган бўлиб, ўз олдига “Leuven communiqué” (2009) тавсиялари асосида ва Болонья жараёнининг ҳақиқий ҳолати ва ривожланишига мос равишда муҳандислик соҳасида касбга йўналтирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, уларни аниқ миллий шароитларга мослаштириш, иқтисодий ривожланишда таълим тизимининг ролини кучайтириш ва иқтисодий муҳит талабларини қондиришга йўналтирилган таълимни таклиф этиш каби мақсадларни қўяди.

Лойиҳа доирасида қуйидаги ишлар бажарилади:

- ❖ инжиниринг соҳасида амалдаги ўқув режаларининг умумлаштирилган таҳлилининг амалга ошириш ва шу асосда уларни янгилаш;
- ❖ инжиниринг соҳасида амалиётга йўналтирилган 4 та янги базавий ўқув режаларини ва 5 та модулли курсларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ❖ амалий машғулотлар учун тегишли янги лаборатория инфраструктурасини жорий этиш.

Лойиҳанинг махсус вазифалари:

- ❖ техника ҳамда технологиялар ривожланишининг янги ҳолатига мос равишда инжиниринг соҳасида амалдаги магистратура ўқув режалари ва дастурларини модернизациялаш;
- ❖ инжиниринг бўйича магистратура учун янги, амалиётга йўналтирилган базавий ўқув режалари ва модулларини ривожлантириш, жорий этиш ва аккредитациялаш;
- ❖ ҳамкор мамлакатлар олий таълим муассасаларининг меҳнат бозори билан алоқаларини кучайтириш.

Ўқув режалари:

- ❖ коммуникацион модуллар ва маълумотларни узатиш протоколлари (техникавий информатика);
- ❖ механика, электротехника ва электроника соҳасида CAD/CAM/CAEда лойиҳалаш;
- ❖ сифат инжиниринги;
- ❖ атроф-муҳитни ҳимоялаш соҳасида инжиниринг ва бошқариш.

Грант олувчи: Берлин техника университети (Германия).

Ҳамкор олий таълим муассасалари: Лессиус университети (Бельгия), Вильнюс давлат техника университети (Литва), Москва давлат техника университети, Қозон давлат техника университети, Волгабўйи телекоммуникация ва информатика университети (Россия), Луцк миллий техника университети, Запорожье миллий техника университети; Азовбўйи давлат техника университети (Украина), Тошкент давлат техника университети, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Фарғона политехника институти (Ўзбекистон).

Батафсил маълумотни лойиҳа веб-саҳифаси www.promeng.eu дан, шунингдек, лойиҳанинг маҳаллий координатори, илмий ишлар бўйича проректор, проф.Ф.Маматовдан (1-корпус, 215-хона) олишингиз мумкин. Тел.: 224-02-89. эл.манзил: fmamatov50@mail.ru

PROMENG